



СССР ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СССР ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
ЎЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқарилиши
№ 186 (18.448),
17 АВГУСТ
1966 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Фотоматериаллар

«КАНОТЛИ АГРОНОМ»ЛАР

Мирзачўл осмонда самолётлар шовқин солади. Уфқ билан тутшиб кетган пахтазорлар тепасида сузиб юрган граждан-ҳаво флотини кемалари пахтакорларга мадад бермоқда. Бу ҳаво кемалари сирдариликлар «қанотли агроном»лар деб аташмоқда. Бунинг боиси бор. Граждан-ҳаво флотининг азамат учувчилари шу кунларда гўзалларга дори сепишяпти. Айниқса Анатолий Андреевич Клонопов командирлик қилаётган самолёт экипажи алоҳида жасорат кўрсатмоқда.

Сиз бу экипаж аъзоларини ва улар бошқараётган самолётни Герман Титов номли 6-пахтачилик совхози далаларида учратасиз. Экипаж ҳар кун 20 марта кўкка парвоз қилмоқда ва гўзалларга дори сепмоқда. Кунда 520 гектар майдондаги гўзани химиявий дорилар билан ишламоқда. Бу пландагидан 1,5 баравар кўпдир.

«Қанотли агроном»лар деб ҳаққоний ном олган самолётлар ва уларни бошқараётган граждан-ҳаво флотини учувчилари дефолляция вақтида ҳам қўриқ ерликларга жуда катта ёрдам кўрсатади. Сиз бу суратларда Герман Титов номли совхоз бош агрономи Ҳамид Жўраевни экипаж командири А. Клонопов ҳамда иккинчи учувчи Г. Сливвертов билан суҳбатлашганда (чапдан) кўриб турибсиз. Ўнгдаги суратда эса пахтазорларни авиация ёрдамида ишлаш пайти тасвирланган.

А. Горюхин фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).



СУВЧИЛАР

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА

МОСКВА, 16 август. (ТАСС). Бугун эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида сўнгги чакирин РСФСР Олий Советининг VII сессияси очилди.

Депутатлар қариян кутаётган Г. И. Воронов, А. П. Кирпиченко, К. Т. Мауоров, Д. С. Полянский, М. А. Суслон, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков ўртоқлар сессиянинг эрталабки мажлисида ҳозир бўдилар.

Мандат комиссиясининг қўлидан сўнг депутатлар кўндалди уни тартибнинг бир овоздан тасдиқладилар:

1. Қишлоқ ҳаёлисида маданият-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасалари қурилишининг аҳволи ва бу қурилишнинг кенгайтириш чоралари тўғрисида.

2. РСФСР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш.

Кун тартибидининг биринчи моддасидаги масала тўғрисида РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Г. Писен доклад қилди.

Эрта тонг. Қуёш ўзининг заррин сепини пахтазор узра аста-секин ёйган сари поёнсиз даладорнинг фойда-файз қўйишди. Ёқимли эсатган шабада текис йўлнинг икки четидан тўт дарахларнинг яшил япроқларини енгил тебратди. Қўшларнинг тонг қўшиқлари қишга аллақандай ҳузур бағишлайди. «Пўлат от»ларнинг тинимсиз ҳайқирини шабада қанотида ўзоқ-ўзоқлардан учиб келиб қулоққа чалинади-да, дилрабо далада қайноқ ҳаёт бошланганидан дарак беради.

Худди шу пайт биз қолхоз раиси Ҳабибов ака Мадалимов билан катта қартини кесиб ўтган ариқ ёқалаб бордик. Раис ҳар икки томондаги гўзаларни кўздан кечираркан, унинг офтобда қорайган чеҳрасида кўндалди аломатлари кўриларди. Чиндан ҳам меҳр билан парварши қилинган гўзалар қиёсга тулган, ҳосил тугунчаларини кўпайтирипти. Пайкада бирорта бегона ўрни кўрмайсиз.

Бу ерлар 6-бригадага қараيدди. — деди раис иккинчи қартига ўтганимизда, — азаматларнинг гайратини чакки эмас.

Мелижон Усмоновнинг бошлиқ бу бригаданинг пахтазорлари қўшни қувонтиради. Оқ яхтак устида жипаранг қи

йинча билан белни маҳкам боғлаб олган 50 ёшлардан ошган киши тоғ эрга энгашиб, тоғ қаддини ростлаб эгартарга сув тарапти. Қолхоз раиси Ҳабибов ака сувнинг илғирлигини кўриб мамнун бўлди. Эгартардан жилдираб оқётган сув пуштларни қорамтир қилиб эгартарди. Ҳатто у ер-су-ердаги майда кесакларнинг мати мағзида синиб кетибди.

Чоран асран бери сувчилик қилди бу ота-онаним.

— деди раис мамнунлик билан, — сувчи Қомилжон ака Ҳакимов десангиз, районимизда ҳамма билди. У ишлаган пайтда калларда ҳар йил мўл ҳосил етиштирилади. Ўтган йили 6-бригада гектаридан 23 центнер ўғитга 33 центнердан хирмон кутарибди. Бу йил эса, 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашяпти.

Қомилжон ота кетмонинг тўт соясида қолдириб, бизга пайвоз чиқди. У билан илғир сурашдик. Мақсадимизни билдиришдик, ўз ишлари тўғрисида завқ билан гапирар бошладик.

— Бу ойда ҳам гўзамини чанқитиб қўймасақ марра бизники, — аста гап бошлади Қомилжон ота пайкадан кўз узмай, — ерининг шариғига, гўзамининг ҳолатига қараб сув тарапимиз ҳозир. Биздаги ерларнинг шариғи ҳар хил. Баъзи ер қора туپроқ. Қора туپроққа сувни дидирок тараймиш. Чунки бу ер қонди. Бунгизиб сугоргангиз етилганда ҳам ерининг таги юмшаб универсалнинг юриши қийинлашади. Бир жой оқариб, иккинчи жой етилмасдан қолади.

— Сугорганда универсалнинг ишлагани ҳам ҳисобга олинмас, деген отахон?

— Универсалга эмас, пахта терадиган машинанинг юришини ҳам ҳисобга оламиз. Бунинг учун гўза баббаравар сув чиқиб, баббаравар етилиши керак. Баъзида картанинг эгали қўлаб, машинанинг қайтиши-

ни қийинлаштириб қўяди. Гўзалар паст-баланд ўсади. Бу борда оққўрғонликлар жуда қimmatли маслаҳатлар беришмоқда. Ҳозир дала ишлари уларнинг чакирини асосида олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат шундай. Оққўрғонликларнинг ажойиб ташаббуси қолхознинг ҳамма бригадаларида қизгин маъқуллаб кўтиб олинди. Улар асосий майдонлардаги пахтани «зангори кема»лар ёрдамида териб олишга қарор қилиб, гўза парваринини қизгин давом эттиришмоқда. Бу курашда миришкор сувчилар ҳам гайрат ва ташаббус кўрсатяптилар. Қолхозда Қомилжон ота Ҳакимов каби миришкор сувчилар оз эмас. Ҳошимжон Нўмонов, Қаримжон Раҳмонов, Убайду-

ла Саъдуллаев сингари миришкорлар ҳам сугориш ишларини кечая кундуз намунали ташкил этиб, ҳосилга барака киритяптилар.

Ноброҳимжон Нўзов, Раимжон Ҳакимов ўртоқлар бошлаб бригада пахтакорларининг шу кеча-кундуздаги ишлари ҳам дилларини ҳушуд қилади. Бу бригадаларда ёшлар қари ҳаюл тер тўқияпти. Улар ҳар гектар ердан пландаги 26 центнер ўғитга 40 центнердан хирмон кутариш тўғрисида янги мажбурият олиб, кунини тунга улаб меҳнат қилмоқдалар.

Чуст районидagi Карл Маркс номли қолхоз аъзолари бу йил 950 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнер ўғитга 30 центнердан хирмон кутаришга аҳд қилишган. Миришкор деҳқонларнинг шу кеча-кундуздаги меҳнат гайратини бу юксак мажбуриятнинг тўла бажарилишидан далолат беради.

М. САИДОВ.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ МИНИСТРЛИГИ
КОРХОНАЛАРИ ВА
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ
ХОДИМЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳаво транспорти билан йўловчилар ташини юзасидан етти йиллик план тошпириқларини бажаришда жуда катта ютуқларга эришганликлари, мамлакат халқ ҳўжалигида авиациядан фойдаланиб келаётганликлари ва янги авиация техникасини ўзлаштириб олганликлари учун қўйиладиган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берилсин, уларга Ленин ордени билан «Уроқ ва Болга» олтин медални тошпирилсин:

1. Бутаев Борис Павловичга — граждан авиацияси 235-авиация авиация отрядининг командири.
2. Калашник Григорий Ивановичга — граждан авиацияси Шимолий бошқармасининг «ИЛ-18» кема командири.
3. Коновалов Юрий Петровичга — граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси линия эксплуатация-ремонт установа-ларининг бош механиги.
4. Копур Игорь Кузьмичга — граждан авиацияси Шимолий Кавказ бошқармасининг «МИ-1» вертолети учувчиси.
5. Краев Антон Филипповичга — граждан авиацияси Украина бошқармасининг авиация зеноси командири.
6. Уланова Любовь Михайловнага — граждан авиацияси Латвия бошқармаси бирлашган авиация эснадрийласининг учувчи-инструктори.
7. Хохлов Иван Тихоновичга — граждан авиацияси Урал бошқармасининг учувчи-инструктори.
8. Шаров Иван Николаевичга — граждан авиацияси Шаркий Сибирь бошқармасининг учувчилар отряди командири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИНИНГ СЕКРЕТАРИ
М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1966 йил 15 август.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ҳаво транспорти билан йўловчилар ташини юзасидан етти йиллик план тошпириқларини бажаришда жуда катта ютуқларга эришганликлари, мамлакат халқ ҳўжалигида авиациядан фойдаланиш соҳасида қўлга киритган ютуқлари ва янги авиация техникасини ўзлаштириб олганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 15 августдаги фармони билан СССР Граждан авиацияси министрига корхоналари ва ташкилотларининг учувчилари, штурманлари, инженер-техник ходимлари, ишчи ва хизматчиларидан катта бир гуруҳини СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлади.

ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар

Ўрим бошланди

Қишлоқда қоракўл қўйлар учун қimmatли озуқа бўлган эн тоқ ялли гуллар бошладик. Буҳоро, Самарқанд, Қашқадаро областлари ва Қоразалогистон АССРдаги ихтисослашган қоракўлчи совхозлари ўримга киришдилар. Ҳўжаликлар ёнтоқ ўрнида қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ўрта Осиёда илмий-тадқиқот институтида тайёрланган янги агрегати биринчи марта қўлланилмоқдалар. Бу агрегат билан паст-баланд чўл шариғида усимликлар ўрим олинмоқда.

Ўзбекистондаги қоракўлчилик ҳўжаликлари иш масъуми 2,5 миллион тонадан кўпроқ дарах хашак тайёрлашни планлаштирмоқдалар. Биргина ёнтоқнинг ўзи қарийб бир миллион тона таёрланади.

энг йирини галлакор совхозларининг меҳнаткорлари ҳам ер ҳайдашга уюшқонли билан киришди.

«Политотдел»
тўғрисида кинофильм

Илмий оммабоп ва ҳўминати фильмлар Тошкент студияси Юмори Чирчиқ районидagi «Политотдел» қолхоз тўғрисида кинофильм тинчани суратга олишни тамомлади.

Фильм пахта, каноп, макмажур ва мевадан мўл ҳосил етиштириётган қолхоз аъзоларининг меҳнати тўғрисида ҳўмин қилади. Фильмда қолхозчилар ҳайти ёрқин кўрсатиб берилган.

Машиналар ремоти

Пахтаорол районидagi Абай номли қолхозда пахта териш машиналарининг ҳаммаси жуда яхши ремотдан чиқарилди.

Ҳўжаликда пахта териш машиналари бутун йил давомида ремот қилинмоқда. Қиш масъумида бу ерда ҳар бир машина учун нуқсонлар ведомости тузилди, запас қисмлар келтирилга бошладик. Гулистон районидagi «Қизил Шарқ» қолхоз, Сирдарё районидagi «Победа», Ленин номли қолхозларда ва бошқа илгор ҳўжаликларда ҳам сўнгги пахта териш агрегатлари ремотдан чиқарилмоқда.

МАШИНАСОЗЛАР КУНИ

СССР Олий Совети Президиуми «Машинасозлар кунини» байрамига белгиледи.

«Машинасозлар кунини» ҳар йили сентябрнинг охириги яхшанба кунинда нишонланади. (ТАСС).



«Главсредствосовхоз троя» совет ҳўжиниятининг 50 йиллигига Мирзачўлнинг Ўзлаштириш тарихи тўғрисидаги монографияни алоҳида асар қилиб напир этади.

Ўзбекистон ССР марказий давлат архиви бошқармаси ходимлари асарининг биринчи томи учун ҳўжжатлар ва материаллар тўплаб бўлишди.

Айни бир далавинг ўзидан бир йил мобайнида иккинчи марта беда уруға ҳўска олиш мумкин. Сурхондарё област қишлоқ ҳўжалиқ тажриба станициясининг илмий ходимлари ана шундай ҳўскага келдилар. Улар ўз ҳўскаларини ишлаб чиқариш шариғинида бир неча йил давомида текшириб кўрдилар. Бу эса яхши натижа берди.

ТАШВИШИ СИГНАЛ

Бундан уч йил муқаддам юқори ташкилотларнинг аралашуви билан «Қизил Октябрь» қолхозинда «Тандем» сут соғиш аппарати ўрнатилиш тўғрисида қарорни келинган эди. Қолхоз етарли миқдорда маблаг ақра-тиб «тандем»ни сотиб олди. Уни қўриб бериш ва фойдаланишга тошпириш Янгийўл район қолхозлараро қурилиш ташкилотига тошпирилди. Област қолхоз қурилиш бўлими ҳам бу ишга ёрдам беражягини билдирган эди.

Мана орадан анча вақт ўтиб кетди. Бироқ «Тандем» қандай келтирилган бўлса ҳозир ҳам шундайлигича турибди.

ОРДЕНИНГИЗ МУБОРАК

Кун кеча эфир тўқинлари Москвада Фаргона водийсига ажойиб ҳўшқабар келтирди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан республика Қурилиш министрлигининг Фаргона вилоятини оқайтган 8-қурилиш трести коллективни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. 8-қурилиш трести бу юксак мукофотга «Алмалик-свинестрой» трестидан кейин иккинчи бўлиб мушарраф бўлди.

Трест қандай муваффақиятлари учун бу юксак мукофотга сазовор бўлди, деган савол туғилди. Аввало шунини айтиш керакки, 8-трест етти йилликни жуда катта ҳажмдаги ишларни бажариш билан яқунлади. Қурувчи ва монтажчилар

нефтни қайта ишлаш заводида 20 дан ортиқ ускуналарни, азот ўттилар заводидаги биринчи навбатини, уйсозлик комбинатини. Олтин қурилиш қайта ишлаш заводида янги қувватларни ишга тушарилди. ЭЛОУ-АВТ ускунасини қурилишда биринчи марта қўшма трафика қўлланилди. Натижада ишларни бир меъёрга олиб бориш, қувватларини ўз муқаддасида фойдаланишга тошпириш, қурилиш ишларининг сифатини яхшилаш мумкин бўлди.

Трест коллективини беш йилликнинг биринчи йилини ҳам яқин яқунлади. Ўтган йилнинг шу даврдаги

га нисбатан бу йил олтин ойда меҳнат унумдорлигини қарийб 11 процент ошди. 1 миллион сўмдан ортиқ маблаг соҳаб қолди. Трест коллективини ўтган йилда объектларини фақат аъло ва яхши баҳодаларга тошпириш ташаббусини бошлаган эди. Ҳозир улар объектларининг 99 процентини фақат аъло ва яхши баҳодаларга тошпирапти. Шунинг учун ҳам трест коллективини сифат бўйича ўтказилган Бундунтироқ кўргинида СССР «Госстрой»нинг илмий мукофотини олишга муваффақ бўлди. Қиригули посёласидаги йиринк панелли уйлар қурилишининг сифати ва қўрқамлигини

ради. Улардан бири сувий тола заводида. Бу келгусида Фарғонадаги улкан химия корхоналари қаторидан ўрин олади. Шунингдек, Фарғона азот ўғитлар заводидаги қувватини уч баравар оширилади. Фарғона нефтин қайта ишлаш заводи кўриб битказилди. Ленин номли ТЭЦнинг қуввати икки баравар кўпайтирилди. Фарғона усқозлик комбинати қуввати оширилиб, йилда қўшма 15 миң квадрат метр уй-жой қурилишига етарли конструкция ишлаб чиқариладиган даражага етказилди. Олдинда ана шундай улкан вазифалар турибди. Коллектив уни бажаришга қодир.

А. АБДУКОДИРОВ,
М. МАНСУРОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

А К Т В А Ф А К Т

Бинони қуриш, эшикларини ремот қилиш ишга ҳамон киришлагани йўқ. Қолхозчилар фермадаги 116 бош ситирини соғиш лозим бўлган ана шу аппарат қачон ишга тушаркин, деб ҳар кун раиодан, партия ташкилотини секретарида сўрашди.

Қолхоз правленчеси ва партия ташкилотини қолхозчилар талабни қондириш мақсадида қолхозлараро қурилиш ташкилотига ҳар ҳафта бир марта мурожаат қилишяпти. Ленин уларнинг ҳақли талаби уч йилдан

бўён қондирилгани йўқ. Охири, шу йилнинг 27 июль кунин бир гуруҳ вакиллар келиб қолди. Бундан илгари неча бор акт тузиб кетишган вакиллар бу гал қурилишнинг жадаллаштиришга ваъда беришди. Дарҳол қарор ёзилди. Қарорда «Тандем» қурилишини 15-августга қадар тугаллаш қўда туғилган эди. 15 августга қадар албатта бажарамиз, деб бу ҳўжатга Янгийўл район қолхозлараро қурилиш бўлимин раиси вазифини бажарувчи А. Сандамудов, Тошкент област қиш-



лоқ ҳўжалиқ бошқармаси қолхоз қурилишининг бошчилиги Г. А. Губанов, Янгийўл район қишлоқ ҳўжалиқ бошқармаси қолхозлар қурилиш бўлимининг бошчилиги А. Умаров ўртоқлар қўл қўйишган эди.

Белгиланган мудат тағин ўтиб кетди. Афсуски тузилган актлар ҳам, қарорлар ҳам бажарилмадан қолди. Вақтлар қачонгача кетса сурилади? Бу саволга Тошкент област иқроия комитетидан жавоб қўламиз.

С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

